**Махсулот сотиш ва харид килиш**
**№ 6 сонли Ш А Р Т Н О М А .**

**2022 йил «19» январь** **Қува шахар**

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи **«Тинчлик 1» кўп тар.хус.и/ч корхонаси** (кейинги ўринларда **«Сотувчи»** деб аталади) номидан **рахбар М.Мамадалиев** биринчи томон ва иккинчи томон - Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувч **Қува туман Тиббиёт бирлашмаси** номидан рахбари **М.Г.Абдижалолова** (келгусида **«Харидор»** деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

**1. Шартнома предмети**

1.1. **«Сотувчи» «Харидор»**га қуйидаги махсулотларни етказиб беради:

**Нон махсулотлари.**

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати **9 100 000 (Тўққиз миллион бир юз минг сўм 00 тийин)**

1.3. Махсулотлар қуйидаги ассортиментда етказиб берилади:

| № | Тикет № | Махсулот номи | Улчов Бирлиги | Миқдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Қолипли нон 0,500гр | Дона | 6500 | 1400 | 9 100 000 |
| | | Умумий жами: | | | | 9 100 000 |

**2. Хисоб-китоб қилиш тартиби.**

2.1. Махсулот учун тўлов пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.

2.2.**Бюртмачи** шартнома умумий суммасининг **30% и яъни 2 730 000 сумни** аванс тариқасида шартнома тулик кучга кирган кундан бошлаб 20 банк иш куни мобайнида, колган **яъни 6 370 000** сумини **махсулот етказиб берувчи** махсулотни етказиб берган кунидан бошлаб, 20 банк иш куни давомида **махсулот етказиб берувчининг** банк хисоб ракамига утказиб беради.

2.3. Махсулотлар учун нарх узаро келишилган холда белгиланади.

Бунда Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томионидан белгиланган нархалар асос килиб олинади.

2.4.Агар давлат назорат органлари томонидан утказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган махсулотларига белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Сотувчи» зиммасидан копланади.

2.5. Шартнома суммасидан ортик махсулот етказиб берилганда («Буюртмачи» огохсиз бажарилганда) хисоб-китоб «Буюртмачи» томонидан амалга оширилмайди.

**3. Маҳсулот етказиб бериш**

3.1. **Махсулот етказиб берувчи** махсулотни хисоб ракамига аванс маблағи келиб тушган кундан 5 банк иш кунида етказиб беради.

3.2. «Сотувчи» шартномада белгиланган махсулотларни «Харидор» талабига мувофиқ муассасаларга, сифатли хамда бут холда етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

3.3 Етказиб берилган махсулот учун маъсул шахс томонидан хисоб варақ фактурага қабул қилганлиги тўғрисида имзо қўйиб олган вақтдан бошлаб **БЮРТМАЧИ** мулкига айланади.

**4. Махсулотни топшириш ва кабул килиш.**

4.1 Бюртмачи ваколатли шахс қабул килиб олиш жараёнида махсулотнинг ишга яроқлилигини, сифатини, миқдори жихатдан шартномага мос келишини текшириб олиш лозим. Махсулот тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг махсулотни сақлаш жавобгарлиги бюртмачи ваколатли шахс зиммасига ўтади.

**5. Томонларнинг ҳуқуқи ва мажбурияти**

5.1. «Сотувчи» «Харидор» томонидан юборилган вакил, муассаса раҳбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган, хамда юмалоқ мухр босилган ишонч когози кўрсатгандан сўнг махсулот беради.

5.2. «Сотувчи» махсулотни сифатини тасдиқловчи хужжат (мувофиқлик сертификати ва санитария-гигиена сертификати, хулосаси ва хаказолар), хамда махсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги махсулотларни етказиб беришга кафолат беради.

5.3. «Сотувчи» хужжатлар тўғри расмийлаштирилишини ўз зиммасига олади, хамда махсулотларни муассасаларга етказиб беради.

5.4. «Харидор» шартномада кўрсатилган махсулотни сифати талабга жавоб берган холатдагина уни қабул қилиб олади.

5.5. «Ҳаридор» қабул қилиб олган махсулотни шартнома талабларига номувофиқлигини аниқлаган холда, «Сотувчи»га ёзма далолатнома (АКТ) юборади, хамда сифатсиз деб топилган махсулотни «Сотувчи»га қайтариб беради.

5.6. «Сотувчи» «Харидор»га унинг ишонч қоғозида қайд қилинган махсулотлар беради. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч қоғозида кўрсатилмаган махсулотларни, ёки махсулотларни ишонч коғозида белгиланган миқдоридан ортик берган холларда, бу махсулотлар учун «Харидор» томонидан хақ тўланмайди.

5.7. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотлар етказиб берилса, бу махсулотлар «Сотувчи»га қайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун ҳақ тўланмайди.

5.8. «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини хисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варақларни белгиланган тартибда рақмлаб, тўлиқ расмийлаштириши шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган хамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган хисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

**6. Тарафларнинг жавобгарлиги.**

6.1. Томонлар тарафидан шартнома шартлари бузилган ҳолларда, жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”га, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги хамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонун хужжатларига, шунингдек ушбу шартномага мувофиқ белгиланади.

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: LY51482606

6.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз, ёки сақлаш муддатлари ўтиб кетган махсулотларни етказиб кел[illegible] холда «Харидор» «Сотувчи»дан бундай махсулотларнинг умумий кийматидан 50%, лекин шартноманинг 1,2 бандида кўрсати[illegible] ўтилган суммасининг 50% ошмаган холда жарима кўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

6.3. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га махсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келинмаса, кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулотлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Агар мажбуриятларнинг бажарилмаслиги форс-мажор холатларининг оқибати хисобланса, сотувчи пеня тулаш мажбуриятидан халос қилинади.

6.4. Жарималар туланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6.5. Етказиб берилган махсулотнинг қиймати шартномада келишилган муддатларда, уз вақтида туланмаган тақдирда "Харидор" "Сотувчи"га ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаган миқдорида пеня тулайди.

Агар мажбуриятларнинг бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатларининг оқибати ҳисобланса, "Харидор" пеня тулаш мажбуриятидан халос қилинади.

### 7. Низоларни хал этиш тартиби.

7.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар бўйича томонлар келишиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонлар келиша олмаган тақдирда Узбекистон Республикаси конунларига асосан Иктисодий судлари оркали хал килинади.

### 8. Форс-мажор холатлари.

8.1. Шартнома тузилгандан сунг бартараф этилиши томонларнинг таъсири ва истакларига боғлиқ булмаган вақтинча ёки узоқ вақт шартномани зарур даражада амалга оширишда халақит берадиган вазиятлар содир булганда, яъни табиий офатлар, ноқулай об-хаво шароити, хукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолларда, юқорида айтиб утилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли Томонлар тарафидан шартнома мажбуриятлари бузилган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади.

8.2. Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга булмаган Томон дарҳол иккинчи Томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага келганлиги, шунингдек бартараф этилганлиги тўғрисида хабардор қилиши керак.

8.3. Бартараф этилиши мумкин булмаган вазиятлар содир булгани ёки уларни бартараф этилгани ҳақида уз вақтида, 15 кундан куп булмаган муддатда хабар бермаган Томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, бу вазиятларни сабаб қилиб курсата олмайди.

### 9. Шартнома амал қилиш муддати

9.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сунг кучга киради.

9.2. Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил « 31» январгача.

9.3. Шартнома томонлар келишувига асосан, «Сотувчи» томонидан етказиб берилган махсулот «Харидор» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Сотувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1 бандлари бажарилмаганда шартнома «Харидор» томонидан бир томонлама бекор килинишии мумкин. Бекор килинган тугрисида «Харидор» «Сотувчи»га ёзма равишда, асосларни келтирган холда хат билан маълум килади.

### 10. Кушимча шартлар

10.1. Шартнома уч нусхада тузилиб, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб томонларда бир нусхадан сакланади.

10.2. Шартномага барча узгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартномага кушимча битим имзоланган холда конуний деб хисобланади.

10.3. Шартнома туман юридик хизмат кўрсатиш маркази томонидан ижобий хулоса олиниб, туман газначилик бўлими томонидан руйхатга олгандан сўнг тўлик кучга эга деб хисобланади.

### 11. Томонлар ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари

| «Сотувчи» | «Харидор» |
|---|---|
| «Тинчлик-1»куп тармокли хус.ишлаб чикариш корхонаси<br>Адрес: М.Умурдинов куча<br><br>х/р 20208000404101916001<br>Банк. Кува Миллий банк<br><br>МФО: 00886 ИНН: 203518690<br><br>ОКОНХ: 18113<br><br>Рахбар: М.Мамадалиев. | Кува туман Тиббиёт бирлашмаси<br>Адрес: Кува туман А.Яссавий № 100<br>Тел/факс: 31.52.118<br>ИНН: 200171788 ОКОНХ: 91511<br>Шхр:100022860302187073101054005<br>Узб.Рес.Молия вазирлиги газначилиги<br>х/р: 23402000300100001010<br>Марказий банк Тошкент ш.бош.бош-си<br>ИНН: 201122919 МФО: 00014<br>Рахбар: М.Г.Абдижалолова |

хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низомига
**6-илова**

**Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказганлиги тўғрисида**

# ГУВОҲНОМА

***Реестрланган тартиб рақами № 1444(қайта)*** **№00000534**

***«12» июнь 2013 й***

Мазкур гувохнома берилган юридик шахсга

***"ТИНЧЛИК-1"***

(давлат тилидаги тулик номи)

(юридик шахс бўлган дехқон хўжалиги учун, ажратилаётган ер участкаси ва майдони)

Ташкилий хуқуқий шакл: ТХШ **1100**

***Хусусий ишлаб чиқариш корхонаси***

Мулкчилик шакли: МШ **115**

***Хусусий***

Давлат рўйхатидан ўтказиш санасига почта манзили: МХОБТ **1730218**

***Кува шахар А.Яссавий кўчаси***

Юридик шахснинг коди: КТУТ **18014362**

Асосий фаолият тури коди: ХХТУТ **18113**

***Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш***

Солиқ тўловчининг индентификация рақами СТИР **203518690**

**Инспекция бошлиги:** **А.Сиддиков**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

*Andijon viloyat Jalaquduq tuman SEO va JSB*

*UZ. AMT. 07. MAI.№ 638*

(санитария-эпидемиологик хулосани берган муассасанинг номи)

(аккредитация гувоҳномасининг олинган йили ва санаси)

№ 362453

# САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУЛОСА

20*21* йил «*30*» *sentyabr* дан 20*24* йил «*30*» *sentyabr* гача ҳақиқий ҳисобланади.

Ушбу хулоса билан: *"TINCHLIK-1" KTHICHK tomonidan ishlab chiqarilgan.*

(ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи, олиб келувчи)

*TI 64-203518690-03-2021 TI 64-203518690-04-2021.*

*San QM 0366-19 "Non va makaron maxsulotlari havfsizligi togrisida"*

*MTR 008 18.02.2020*

(импорт, маҳаллий маҳсулотларга алоқадор меъёрий ёки асословчи ҳужжатлар)

Ишлаб чиқарилган (олиб келинган) маҳсулот: *Qolipli non 1 nav bug'doy unidan (*

(маҳсулот номи, миқдори)

*kg.Makaron 1 nav. ( seriyali ichlab chiqrish uchun)*

*San. kimyoviy laboratoriya tekshiruvlari bo'yicha San QM 0366-19 talabiga jav beradi. San.gig. laboratoriya tekshiruvlari bayonnomasi № 446/294-447/295 sentyabr 2021 yil. Radiologiya laboratoriya tekshiruvlari bayonnomasi № 675-6 25- sentyabr 2021 yil. Mahsulot aniqlangan ko'rsatkichlar bo'yicha San QM 03 19, "Non va makaron maxsulotlari havfsizligi tog'risida"gi MTR 008 18.02.20 talablariga mos keladi.*

(ўтказилган лаборатория текширувлари баённомалари, натижалари)

Санитария қоида ва меъёрлари талабларига ЖАВОБ БЕРАДИ.

Хулоса олувчи: *"TINCHLIK-1" KTHICHK*

(муассаса номи ва юридик манзили)

*O'zbekiston Respublikasi Fargona viloyat Quva tuman Galaba MFY.Makaron i isexi manzili Quva tuman Tinchlik MFY*

(маҳсулот ишлаб чиқарувчининг манзили)

Қўлланиладиган, ишлатиладиган соҳа: *Oziq-ovqat maqsadida.*

Ишлатиш, ташиш, сақлаш ва хавфсизлигига оид шарт-шароитлар *Sanitariya gigiena qoidalariga rioya qilgan holda*

Махсус белгилар: *Sanitariya –epidemiologik hulosa nusxasi hulosa berilgan muassasa mixri bo'lsa haqiqiy hisoblanadi.*

*A.Xolmatov*

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

VB2082523805

**1. Loyihaning turi:** Buyruq.

**2. Loyihaning nomi:** Mahsulot sotish va harid qilish to`g`risida.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:**

Quva tumani “Tinchlik-1” ko`p tarmoqli xususiy i/ch korxonasi va Quva tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yil 19-yanvar kuni ishlab chiqilib, 2022-yil 19-yanvarda dasturga kiritilgan.

**4. Loyiha bo‘yicha taklif:**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o‘tkazish natijalariga ko‘ra

## XULOSA:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markazi bosh yuriskonsulti:** **N.A.Lutfullayeva**